

**№ СРЮ-1448/НЕТ - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “7” 01

“Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) номидан 2022 йил ишончнома асосида фаолият юритувчи Жамиятининг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари А.Е. Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси ФВВ Сейсмология мониторинги маркази номидан Ж.И.Жуқаров (Устав, Низом, рўйхатга олинганилк тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик жамиятининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқсанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқук ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100** (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллӣ валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3** (уч) **банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий миқдори 57 960 000 Эндиж оғиз шиннион тўхиж юр сўмни ташкил этади. Ундан 19 320 000,00 (Ўн тўқиз миллион уч юз йигирма минг 00 тийин) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртас имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонида ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичиде ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календаръ ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисбот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартиба солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида reklama акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилибди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартиба, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартиба ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибига солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат мувалифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу шартнома томонлар ортасида имзоланган пайтдан ва молия вазирлигининг ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом этгирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома томонлар ортасида имзоланган пайтдан ва молия вазирлигининг фазначилигидан рўйхатдан ўtkazилган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига мувофиқ мазкур Шартнома шартлари 01.01.2022 йилдан Томонларнинг хукуқий муносабатларига тааллуклидир ва Томонлар ўртасида ўзаро ҳисобкитоблар ва тўловлар учун асос бўлиб, Шартноманинг амал қилиш муддатигача амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн)** календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлari шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<p>АК “Ўзбектелеком”</p> <p>«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали Манзил: Тошкент, ш. А. Темур кўчаси 97 А. Тел: (99) 836-7600 Электрон почта: b2b@uztelecom.uz Банк маълумотлари: хисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088 АТБ Алоқабанк МФО: 00401 ИНН: 203366731 ОКЕД: 61100 Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди КҚС 326 030 013 817</p> <p>Директор ўринбосари</p> <p> /имзо/ м.ў.</p> <p>A.Е. Хон</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ФВВ Сейсмология мониторинги маркази</p> <p>Манзил: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULOTDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI SEYSMOPROGNOSTIK MONITORING RESPUBLIKA MARKAZI Toshkent shahar, Mirzo-Ulug'bek tumani, Katta Darxon ko chasi 20-uy. O'zbekiston Respublikasi Molika vazirligi G'aznachiligi SHIR: 1000 1086 0262 6970 1510 0175 003 x/p: STIR: 305 027 887 OKED: 84111 G'azna/h.r.: 2340 2090 3001 0000 1010 СТИР: MB XKKM BB Toshkent shahar, STIR: 201 122 919 МФО: 00014 МФО: _____; \Банк номи: _____; Тел: _____;</p>
	<p>Абонент номидан</p> <p> /имзо/ м.ў.</p> <p></p> <p></p>


Техник қўллаб-кувватлаш: 1155

Ижрочи: Сайдова Ф.

Тел.: (+998 99) 836-7585

Электрон почта: f.saidova@uztelecom.uz

Баён юрчест консульт К.Раимов!



1.43	Corporate-1 тариф режаси бўйича 4 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллый маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 4 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда 00:00 дан 19:00 гача 4 Мб/с 19:00 дан 00:00 гача 1 Мб/с тезликда уланиш учун абонент тўлови Адрес: Фарғона вилояти, Қўкон шахри, Истиқлол кўчаси, 60 уй	240 000,00	1	240 000,00
1.44	Corporate-1 тариф режаси бўйича 4 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллый маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 4 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда 00:00 дан 19:00 гача 4 Мб/с 19:00 дан 00:00 гача 1 Мб/с тезликда уланиш учун абонент тўлови Адрес: Қашқадарье вилояти, Яккабоғ тумани, Гулистон МФЙ, Гулистон қишлоғида жойлашган енгин хавфсизлик биноси	240 000,00	1	240 000,00
1.45	Teznet business-3 тариф режаси бўйича 10 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллый маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 10 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш учун абонент тўлови Адрес: Тошкент шахар, Юнусобод тумани, Махсумов кўчаси 85 уй	1 030 000,00	1	1 030 000,00
1.46	Teznet business-4 тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллый маълумотлар узатиш тармогига кириш ва Интернет тармогига 20 Мб/с тезликда уланиш, трафики чекланмаган ҳолда уланиш учун абонент тўлови Адрес: Тошкент шахар, Мирзо Улуғбек тумани, Катта дархон кўчаси, 20уй	1 650 000,00	1	1 650 000,00
Жами (олдиндан тўлов)				19 320 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 19 320 000,00 (Ўн тўққиз миллион уч юз йигирма минг 00 тийин) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 57 960 000 () сўмни ташкил этади. Ундан 19 320 000,00 (Ўн тўққиз миллион уч юз йигирма минг 00 тийин) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари



A.Е.Хон

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Сейсмология мониторинги маркази

Абонент номидан:



М.ў.

Ж.И.Жузаев